



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 15 » may

№ 318

Toshkent sh.

Транспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида

Автомобиль йўлларида ҳаракатланишни ташкил этиш тартибини аҳолининг тақлиф ва истакларини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш, транспорт воситаларидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда фуқароларни бу борада қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2025 йил 1 июндан бошлаб:**

йўлнинг қатнов қисмидаги чизиқлар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслик ҳолатларини ҳар қандай махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари (кейинги ўринларда – махсус техника воситалари) орқали қайд этишга;

шаҳарлар автомобиль йўлларида таъмирлаш ёки йўл чизиқларини чизиш билан боғлиқ ишларни **соат 07.00 дан 21.00 га қадар амалга оширишга** (дам олиш кунлари, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган алоҳида ҳолатлар бундан мустасно) йўл қўйилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлигининг қуидагиларга **рухсат бериш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин:**

соат 23.00 дан 06.00 га қадар йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига;

амал қилиш вақтини кўрсатувчи қўшимча ахборот белгиларига эга “Тўхташ тақиқланган” ва “Тўхтаб туриш тақиқланган” йўл белгилари жойлашган ҳудудда уларнинг амал қилиш вақтидан ташқари пайтда транспорт воситаларининг тегишлича тўхташи ҳамда тўхтаб туришига;

мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари атрофидаги йўлларда Йўл ҳаракати қоидалари билан белгиланган тезлик чегарасини **дам олиш кунлари,** таътил даврлари ва **19.00 дан 07.00 га вақт оралиғида** ушбу аҳоли пункти учун рухсат этилган умумий тезлик чегарасигача ошириб ҳаракатланишга.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қўйидагиларни назарда тутувчи келишилган Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин:

махсус техника воситалари орқали қайд этиладиган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳукуқбузарликларнинг **қатъий рўйхати** ва бу тоифадаги ишларни **кўриб чиқишининг аниқ муддати**;

маъмурий жазо тизимига **маъмурий огоҳлантириш** чорасини киритиш ва уни йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ айрим ҳукуқбузарликларни **биринчи марта содир этган шахсларга** нисбатан ҳолатни аниқлаган ваколатли шахс томонидан кўллаш тартиби.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига худуднинг ўзига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда, Йўл ҳаракати қоидалари билан тасдиқланган қўшимча ахборот белгиларида кўрсатилмаган бошқа **вақт оралиғини** назарда тутувчи қўшимча ахборот белгиларини ўрнатиш ҳукуқи берилсин.

5. Туман ва шаҳар ҳокимликлари хузурида **йўл инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари** ташкил этилсин ҳамда уларнинг маблағлари фақат йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун **мақсадли сарфланишига рухсат берилсин**.

6. Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларни махсус техника воситалари орқали қайд этишда **шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш**, шунингдек, соҳада суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида белгилансинки:

тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш тизимининг маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш қурилмалари ҳамда дастурий таъминоти **2025 йил якунига қадар босқичма-босқич Ички ишлар вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази** давлат муассасаси бошқарувига ўтказилади;

“Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази давлат муассасаси тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг белгиланган тартибда техник талабларга мос равищда эксплуатация қилиниши учун **масъул хисобланади**.

7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда тартибга солинмаган автомобиль йўли ва темир йўл кесишмаларини ўрганиб чиқсин ҳамда тирбандликларни юзага келишига сабаб бўлаётган жойларда ўрнатилган **“Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган”** йўл белгиларини бошқариладиган светофорларга алмаштириш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

2025 йил 1 сентябрга қадар жойлардаги ўрганишлар асосида йўллар бўйида жойлашган мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари атрофида соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланиш мумкинлигини кўрсатувчи йўл белгилари ҳамда бунга қатъий риоя этишни таъминловчи маҳсус техника воситаларини ўрнатиш бўйича барча зарур чораларни кўрсин;

икки ой муддатда Йўл ҳаракати қоидаларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда жойлардаги таҳлил ва ўрганишлар асосида барча “Тўхташ тақиқланган” ва “Тўхтаб туриш тақиқланган” йўл белгиларининг мақсадга мувофиқ ўрнатилганлиги нуқтаи назаридан тўлиқ қайта кўриб чиқилишини, зарурат бўлмаган жойларда ўрнатилган йўл белгиларининг демонтаж қилинишини, шунингдек, уларнинг амал қилиш вақтини кўрсатувчи қўшимча ахборот белгилари ўрнатилишини таъминласин;

олти ой муддатда Транспорт вазирлиги билан биргаликда транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориш ҳолатлари кўплаб кузатилаётган худудларда транспорт воситасининг жорий тезлигини кўрсатувчи огоҳлантирувчи электрон таблолар ўрнатилишини ва бу амалиётни кейинчалик ўрганишлар асосида ҳар йил якуни бўйича тасдиқланадиган дастурга кўра бошқа худудларда амалга ошириб борилишини таъминласин;

йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларни маҳсус техника воситалари орқали қайд этиш соҳасида қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш чораларини кўриб борсин;

Транспорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа масъул вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат таркибда **комиссия тузган ҳолда 2025 йил якунига қадар** чорраҳа ва йўллардаги барча маҳсус техника воситаларини уларнинг мақсадга мувофиқ ўрнатилгани ва белгиланган талабларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан **тўлиқ хатловдан ўтказилишини ташкил** этсин;

хатлов натижалари бўйича ўзбошимчалик билан ёки белгиланган тартибга риоя этмаган ҳолда ўрнатилган, техник ва стандарт талабларга жавоб бермайдиган, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадига эришишга кўмаклашмайдиган маҳсус техника воситаларининг **демонтаж қилинишини таъминласин.**

9. Белгилансинки, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳаракат тезлигини назорат қилишга мўлжалланган ҳар қандай турдаги стационар ва мобиљ радарлар жойлашган худудда ва унгача камида 250 метрдан кам ҳамда 500 метрдан кўп бўлмаган худудда “Радар” йўл белгисининг ўрнатилиши мажбурий ҳисобланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида йўл инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини белгиловчи Ҳукумат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Таушуплатов ва транспорт вазири И.Р.Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 15 майдаги 318-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йигимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларида:

а) 9 –9²-бандлар қуидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | | |
|----|----------------------|---|------|
| 9. | Ички ишлар вазирлиги | Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммасидан ташқари. | 39 |
| | | Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммаси (тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ҳамда тегишли оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ҳамда божхона органлари томонидан ундирилган жарима суммаси бундан мустасно). | 48,5 |
| | | Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун Божхона қўмитаси томонидан ундирилган жарима суммаси. | 23,5 |
| | | Автомототранспорт воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун тўлов суммаси. | 8 |
| | | Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда давлат даромадига ўтказилган мол-мulkни сотишдан олинган маблағлар. | 8 |
| | | Ички ишлар органларининг ташабbusи билан аниқланган ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатлари бўйича давлат манфаатларига етказилган зарарларни ундиришдан тушган маблағлар. | 10 |
| | | Чиқиш ва кириш визалари берилганлиги, улар муддатининг узайтирилганлиги, вақтинча турган жой бўйича рўйхатга олинганлиги, доимий яшаш учун ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги учун давлат божлари. | 8 |

| | | | |
|------------------|--|---|-------------|
| | | <p>Тадбиркорлик субъектларига тегишли маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ундирилган жарима суммаси:</p> <p>тизим жорий этилиб, ишга туширилган кундан бошлаб икки йил давомида;</p> <p>тизим жорий этилиб, ишга туширилганидан икки йил ўтган кундан бошлаб.</p> | 8,5 13,5 |
| | | Маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарималар суммаси (“Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси ҳисобидан белгиланган тартибда ўрнатилган ҳолатларда). | 5 |
| 9 ¹ . | <p>Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати моддий- техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси</p> | Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммаси маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммасидан ташқари. | 16 |
| | | Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (корайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш бўйича йигимлар. | 40 |
| | | Маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммасининг Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ажратилиши белгиланган қисми. | 1,5 |
| | | Тадбиркорлик субъектларига тегишли маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ундирилган жарима суммаси. | 1,5 |
| 9 ² . | <p>Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси</p> | Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар суммаси (давлат ижроилари томонидан ижро иши бўйича ундирилганлар маблағлар бундан мустасно). | 5 |
| | | Автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарималар суммаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3989-сон қарори билан жорий этилган лойиҳа бўйича). | 25 |

| | | | |
|--|--|---|-----|
| | | Махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарималар суммаси (“Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси ҳисобидан белгиланган тартибда ўрнатилган ҳолатларда). | 25 |
| | | Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (корайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш бўйича йигимлар. | 20 |
| | | Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар, видеокузатув ва тасвирга олиш техника воситалари ҳамда мобиль курилмалар орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарималар суммаси. | 100 |
| | | Автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича аукциондан олиб, аукционга кўйилган бошлангич нархи бўйича умумий тартибда реализация қилишдан олинган тушумлар. | 50 |

б) куйидаги мазмундаги 9³-банд билан тўлдирилсин:

| | | | | |
|---|------------------|--|--|----|
| “ | 9 ³ . | Ички ишлар вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази | “Хавфсиз шаҳар” тизимлари ёрдамида аниқланган хукуқбузарликлар учун тўланадиган жарималар ва кўрсатилган хизматлар суммаси. | 60 |
| | | | Тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ундирилган жарима суммаси. | 20 |
| | | | Махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарималар суммаси (“Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси ҳисобидан белгиланган тартибда ўрнатилган ҳолатларда) | 25 |

в) 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | | | |
|---|-----|--|--|----------------|
| “ | 24. | Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси (Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги) | Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божи. Алоқа соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслардан норматив хужжатлар, давлат тармоқ стандартлари талаблари, алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун ундириладиган жарима санкциялари. Абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов. | 50 45 10 |
|---|-----|--|--|----------------|

| | | | |
|--|--|--|----------|
| | | Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарималар суммаси (“Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси ҳисобидан белгиланган тартибда ўрнатилган ҳолатларда). | 5 |
| | | “Хавфсиз шаҳар” тизимлари ёрдамида аниқланган хукуқбузарликлар учун тўланадиган жарималар ва кўрсатилган хизматлар суммаси. | 10 |
| | | Республикада ўрнатилган автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун ундирилган жарималар суммаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПҚ-318-сон қарорига мувофиқ). | 10 ”; |

г) 24¹-банд чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарорида:

а) 4-банднинг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари жорий этилиб, ишга туширилганидан 2 йил ўтгандан сўнг:

10 фоизи – тадбиркорлик субъекти ҳисобига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

13,5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

10 фоизи – йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун мақсадли ўналтирилган ҳолда, йўл ҳаракати қоидалари бузилиши қайд этилган жойнинг маҳаллий бюджетига;

10 фоизи – йўл ҳаракати қоидалари бузилиши қайд этилган туман ва шаҳар ҳокимликлари йўл инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаларига;

1,5 фоизи – Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига;

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш жамғармасига;

5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонасига;

20 фоизи – Ички ишлар вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш марказига “Хавфсиз шаҳар” ягона интеграциялашган тизимларини яратиш ва ривожлантириш учун мақсадли йўналтирилади”;

б) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги “Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати” сўзлари “Хавфсиз. шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “назорат қилувчи ваколатли орган” сўзлари “техник назорат қилувчи ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департamenti Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати хузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси билан биргаликда маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимида мунтазам равишда ахборот ва киберхавфсизлик ҳолати бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, ахборот ва киберхавфсизлик ҳодисалари ҳамда таҳдидларини мониторинг қилиш ишларини амалга оширади”;

в) 7-банддаги “Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департamenti Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

2-банднинг тўртинчи хатбошидаги “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими (КААТ) сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департamenti Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг “Маъмурий амалиёт” модули (кейинги ўринларда – “Маъмурий амалиёт” модули) сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“объект – электрон онлайн-аукционларда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига фойдаланиш ҳуқуқи асосида чекланмаган муддатга ва бошқа тадбиркорлик субъектларига ўтказиш ҳуқуқи билан бириктирилган маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жой”;

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ваколатли орган –Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги”;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Тизим ўрнатилиши мумкин бўлган жойнинг дислокацияси ва минимал қиймати (бошлангич нархи), мазкур ҳудуддаги транспорт оқими ва охирги икки йилда аниқланган йўл ҳаракати қоидалари турлари бўйича қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан “E-auksion” электрон савдо платформасидаги алоҳида веб-саҳифада эълон қилинади”;

13-банддаги “Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига (кейинги ўринларда – “Маъмурий амалиёт” КААТ)” сўзлари ““Маъмурий амалиёт” модулига” сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги ““Маъмурий амалиёт” КААТга” сўзлари ““Маъмурий амалиёт” модулига” сўзлари билан алмаштирилсин;

22 ва 32-бандлардаги ““Маъмурий амалиёт” КААТда” сўзлари ““Маъмурий амалиёт” модулида” сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банднинг иккинчи хатбоисидаги “5 иш кунида” сўзлари “қонунчиликда белгиланган муддатда” сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банддаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Рақамли технологиялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банддаги “мулк ҳукуки асосида” сўзлари “фойдаланиш ҳукуки асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банддаги “Тизим тадбиркорлик субъектларига мулк ҳукуки асосида тегишли бўлиб, унга” сўзлари “Тизимга” сўзи билан алмаштирилсин;

39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“39. Тизим ўрнатилган обьект тадбиркорлик субъектидан олиб қўйилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги томонидан тадбиркорлик субъектига мазкур обьект қийматига тенг бўлган бошқа бўш турган обьект таклиф этилади”;

40-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

41-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Ваколатли орган томонидан билдирилган қуйидаги эътиrozлар мазкур Низомнинг 42-бандида қўрсатилган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектларининг обьектдан чекланмаган муддатда фойдаланиш ва уни бошқа тадбиркорлик субъектига ўтказиш ҳукуки бекор қилинишига олиб келади:”;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тизимда қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилганлик ҳолатлари бўйича “Маъмурий амалиёт” модулига юборилган маълумотлардаги хатоликларнинг умумий сони бир ва ундан ортиқ фоизни ташкил этганда”;

саккизинчи хатбоидаги “мулк ҳукукини” сўзлари “ҳукуқларни” сўзи билан алмаштирилсин;

42 ва 43-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

“42. Ваколатли орган томонидан билдирилған эътиrozлар 30 кун давомида бартараф этилмаган тақдирда ёки бириктирилған объектдан ихтиёрий воз кечилганды, тадбиркорлик субъектларининг объектдан чекланмаган муддатда фойдаланиш ва уни бошқа тадбиркорлик субъектига ўтказиш ҳуқуқи ваколатли органнинг қарори билан бекор қилинади ҳамда 7 иш кунида оператор хабардор қилинади.

Оператор ваколатли органнинг қарори асосида 3 иш кунида “E-auksion” электрон савдо платформасыга тегишли ўзгартириш кириллади.

43. Тадбиркорлик субъектларининг объектдан чекланмаган муддатда фойдаланиш ва уни бошқа тадбиркорлик субъектига ўтказиш ҳуқуқи бекор қилинганды, тизим қурилмалари тадбиркорлик субъектларига қайтарилади ва бир ой муддат ичіда ваколатли орган ҳамда йўлга эгалик қилувчи юридик шахсларнинг иштирокида қонунчилик хужжатларида белгиланған талабларга риоя этган ҳолда тадбиркорлик субъектлари томонидан ечиб олинади.

Тадбиркорлик субъектларига юкландырылған мажбурият белгиланған муддат ичіда амалга оширилмаган тақдирда, мазкур қурилмалар ваколатли орган ҳамда йўлга эгалик қилувчи юридик шахслар томонидан қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда ечиб олинади ҳамда тадбиркорлик субъектларининг расмий сўровига асосан қурилмаларнинг ечиб олиниши билан боғлиқ харажатлар тадбиркорлик субъектлари томонидан қопланғандан сўнг уларга ёки уларнинг ишончли вакилига қайтарилади”;

44 ва 45-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансын;

47-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

“тизим ёрдамида аниқланған қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, маҳсус автоматлаштирилған фото ва видео қайд этиш қурилмаси тўғрисидаги маълумотларни (метрологик қиёслаш гувоҳномаси) ДИХХХ томонидан ишлаб чиқилған Технологик йўриқнома талаблари асосида “Маъмурий амалиёт” модулига тақдим этиш”;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсін:

“Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларни маҳсус техника воситалари орқали қайд этишда шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, соҳада суистеммолчиликларнинг олдини олиш мақсадида барча маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш сервер қурилмалари “Хавфсиз шаҳар” марказининг технологик майдончасыга жойлаштириш (бошқарувига ўтказиш”);

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансын;

48-бандда:

олтинчи хатбошидаги ““Маъмурий амалиёт” КААТга” сўзлари ““Маъмурий амалиёт” модулига” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “объектга нисбатан бўлган мулк ҳукуқини суд тартибида” сўзлари “объектга нисбатан бўлган ҳукуқини” сўзлари билан алмаштирилсин;

49-бандда:

олтинчи хатбошидаги ““Маъмурий амалиёт” КААТга” сўзлари ““Маъмурий амалиёт” модулига” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

““Маъмурий амалиёт” модули томонидан шакллантирилаётган тизимдан олинган маълумотлар асосида қоидабузарликни қайд этувчи қурилма тўғрисидаги кенгайтирилган маълумотларни (метрологик қиёслаш гувоҳномаси) автоматик равишда тўлиқ акс эттирилишини таъминлаш”;

саккизинчи – ўн учинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи – ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги “суд тартибида” сўлари чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“бириклирилган объектдан ихтиёрий воз кечилганда ёки билдирилган эътиrozлар 30 кун давомида бартараф этилмаган тақдирда тадбиркорлик субъектларининг объектдан чекланмаган муддатда фойдаланиш ва уни бошқа тадбиркорлик субъектига ўtkазиш ҳукуқини бекор қилиш чораларини кўриш.”;

ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

д) 2-иловада:

4-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ўрнатилган нуқтадаги транспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини сутканинг кундузги ва тунги вақтларида камида 95 фоизини аниқликда рўйхатга олиши”;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича олтинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг “Автомотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўtkазиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарорида белгиланган талаблар асосида давлат рақами белгиларини аниқлаши”;

қуидаги мазмундаги саккизинчи – ўн биринчи хатбошилар билан тұлдирилсін:

“тизим қайд этган ҳар бир қоидабузарлик ҳолати бүйича “Маъмурий амалиёт” модулига автоматик равища қуидаги маълумотларни узатиши мөмкіншілігіндеңдегі әзірліктердің орталығынан жүргізу”;

метрологик қиёслаш гувохномасининг рақами ва амал қилиш муддати;

қоидабузарлик аниқланған сана ва вақт;

қоидабузарлик содир этилган жойнинг аниқ координаталари”;

саккизинчи хатбоши ўн иккінчи хатбоши деб ҳисоблансын;

6-бандда:

қуидаги мазмундаги түртінчи хатбоши билан тұлдирилсін:

“ұрнатылған нұқтадаги транспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини сутканинг кундузги ва тунги вақтларыда камида 95 фоизини аниқликда рўйхатга олиши”;

түртінчи – бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансын;

олтинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён этилсін:

“Вазирлар Маҳкамасининг “Автомотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чоратадбирлари тұғрисида” 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарорыда белгиланған талаблар асосида давлат рақами белгиларини аниқлаши”;

қуидаги мазмундаги еттинчи – ўнинчи хатбошилар билан тұлдирилсін:

“Тизим қайд этган ҳар бир қоидабузарлик ҳолати бүйича “Маъмурий амалиёт” модулига автоматик равища қуидаги маълумотларни узатиши мөмкіншілігіндеңдегі әзірліктердің орталығынан жүргізу”;

метрологик қиёслаш гувохномасининг рақами ва амал қилиш муддати;

қоидабузарлик аниқланған сана ва вақт;

қоидабузарлик содир этилган жойнинг аниқ координаталари”;

7-банднинг олтинчи хатбошиси чиқарып ташлансын;

8-бандда:

қуидаги мазмундаги олтинчи – тұққизинчи хатбошилар билан тұлдирилсін:

“Тизим қайд этган ҳар бир қоидабузарлик ҳолати бүйича “Маъмурий амалиёт” модулига автоматик равища қуидаги маълумотларни узатиши мөмкіншілігіндеңдегі әзірліктердің орталығынан жүргізу”;

метрологик қиёслаш гувохномасининг рақами ва амал қилиш муддати;

қоидабузарлик аниқланған сана ва вақт;

қоидабузарлик содир этилган жойнинг аниқ координаталари”;

олтинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;
ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тўхташ ва тўхтаб туриш қоидабузарликларини қайд этиш тизими орқали Вазирлар Маҳкамасининг “Автомотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 27 июнданги 131-сон қарорида белгиланган талаблар асосида давлат рақами белгиларини аниқлаши лозим”;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Тизим ёрдамида қайд этилган қоидабузарлик ва транспорт воситалари тўғрисидаги барча фото маълумотлар 365 кундан, видео маълумотлар 30 кундан кам бўлмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг “Маъмурий амалиёт” модулида (кейинги ўринларда – “Маъмурий амалиёт” модули) сақланиши лозим”;

17 ва 18-бандлардаги ““Маъмурий амалиёт” КААТга” сўzlари ““Маъмурий амалиёт” модулига” сўzlари билан алмаштирилсин;

37-банддаги ““Маъмурий амалиёт” КААТ” сўzlари ““Маъмурий амалиёт” модули сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 25 марта 148-сон қарори қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

“2¹. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази томонидан “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўрнатилган маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликларидан ундирилган жарима суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

25 фоизи – Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати хузуридаги “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармасига;

25 фоизи – маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий техник қўллаб-қувватлаш ва электр энергияси таъминоти бўйича харажатларни қоплаш учун Ички ишлар вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш марказига;

25 фоизи – йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун мақсадли йўналтирилган ҳолда, йўл ҳаракати қоидалари бузилиши қайд этилган жойнинг маҳаллий бюджетига;

10 фоизи – йўл ҳаракати қоидалари бузилиши қайд этилган жойнинг туман ва шаҳар ҳокимликлари йўл инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига;

5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-кувватлаш жамғармасига;

5 фоизи – Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маҳсус жамғармасига;

5 фоизи – маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари учун алоқа каналларини ташкил этиш ва ижарага бериш ҳамда ҳуқуқбузарликлар ва йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун ҳамда ҳуқуқбузарликлар ва йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун жарималар қўллаш тўғрисидаги қарорларни электрон почта жўнатмаларининг ягона миллий тизими орқали етказиб беришда почта алоқаси хизматлари харажатларни қоплаш учун Рақамли технологияларини ривожлантириш жамғармасига”.

